

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2020 —

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>Б.Холматова</b>	
Маънавий маданият тараққиётида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўзаро алоқадорлиги .....	167
<b>А.Шарафиддинов</b>	
XIX аср охири – XX аср бошларида Қўқон шаҳри аҳолиси ва унинг ўсиш динамикаси.....	170
<b>Д.Алиязарова</b>	
Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги гуманитар алоқалар.....	173
<b>Ш.Мамадалиев</b>	
Болалар ўртасида ҳуқуқбузарликлар олдини олиш бўйича совет ҳокимиятининг фаолияти (1917 – 1921).....	176
<b>М.Мўминова, И.Якубов</b>	
Кетрин Мансфилд ҳикояларидаги ёлғизлик .....	178
<b>Н.Хошимова</b>	
Ассоциацияларнинг фоносемантик тадқиқи.....	180
<b>Н.Аббасова</b>	
Тил ўргатиш жараёнида инглиз мақол ва маталларини ўқитиш муаммолари.....	183
<b>Ш.Юсупова</b>	
Ўзбек тилига хос асосий диний концептлар ҳақида .....	187
<b>М.Курбанова, Д.Юсупова</b>	
Замонавий инглиз тилида “to force” феълининг функционал-семантик ва парадигматик тавсифи.....	190
<b>М.Ғофурова</b>	
Инглиз тилида қўлланиладиган варвариизмларнинг функционал – семантик хусусиятлари .....	193
<b>М.Исломова</b>	
Ҳаёт ҳақиқати ва аллегорик тасвир.....	197
<b>С.Исроилова</b>	
Ҳикоят (притча)нинг бадиий адабиётдаги ўрни.....	200
<b>М.Мадазимова</b>	
Чингиз Айтматов ижодида архетип образлар ва уларнинг функцияси.....	203
<b>М.Ҳожиева</b>	
Назира ва унинг мумтоз адабиёт тарихидаги ўрни.....	206
<b>М.Ходжаева</b>	
Тилнинг товуш тизимини тадқиқ қилишнинг назарий методологияси.....	208
<b>М.Қаҳҳорова, Г.Астонова</b>	
Замонавий дарсликларда ёзиш кўникмаларини ривожлантириш усуллари.....	211
<b>Н.Ўринова, З.Жакбарова</b>	
Талабаларда ижтимоий-маданий компетентликни шакллантиришнинг педагогик-психологик муаммолари .....	214
<b>Д.Ҳайдарова</b>	
Нофилологик олий ўқув юртлари талабаларининг чет тилида коммуникатив компетенциясини шакллантириш мазмуни.....	217
<b>Ф.Мирзараҳимова</b>	
Чет тилини ўқитишда ижтимоий-маданий воситалардан фойдаланишнинг айрим жиҳатлари.....	220
<b>М.Қурбонова</b>	
Ўқитувчиларни ўқитиш ва психологик таълимнинг устуворликлари .....	225
	ФАНИМИЗ ФИДОЙЛАРИ
<b>УСТОЗЛАР САРДОРИ</b> .....	227
<b>МОҲИР ТАДҚИҚОТЧИ</b> .....	231

МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ  
ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИГИ

ВЗАИМОЗАВИСИМОСТЬ НАЦИОНАЛЬНЫХ И ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКИХ ЦЕННОСТЕЙ  
В РАЗВИТИИ ДУХОВНОЙ КУЛЬТУРЫ

THE INTERDEPENDENCE OF NATIONAL AND UNIVERSAL VALUES IN THE  
DEVELOPMENT OF SPIRITUAL CULTURE

Б.Холматова

**Аннотация**

Мақолада маънавий маданиятнинг ижтимоий ҳаёт тизимида туганган ўрни, миллийлик ва умуминсонийлик тамойиллари, маънавий қадриятларни ўзлаштиришнинг аҳамияти масалалари ёритилади.

**Аннотация**

В статье рассматриваются роль духовной культуры в системе общественной жизни, принципы национализма и гуманности, важность усвоения духовных ценностей.

**Annotation**

The article deals with the role of spiritual culture in the system of social life, the principles of nationalism and humanity, the importance of mastering spiritual values.

**Таянч сўз ва иборалар:** маданият, маънавий маданият, қадрият, миллий ва умуминсоний қадриятлар, халқ, миллат, маданий ривожланиш, миллийлик, маданият намуналари.

**Ключевые слова и выражения:** культура, духовная культура, ценности, национальные и общечеловеческие ценности, народ, нация, культурное развитие, национальность, культурные закономерности.

**Keywords and expressions:** culture, spiritual culture, values, national and universal values, people, nation, cultural development, nationality, cultural patterns.

Ўзбек маънавий маданияти жуда қадимий ривожланиш тарихига эга. Албатта, кўп минг йиллик бу ривожланиш тарихи турли-туман зиддиятларга тўла. Маънавий маданиятнинг ички ривожланиш жараёнлари ёки маънавий маданиятнинг асосини, ўзагини ташкил қиладиган ниҳоятда ранг-баранг қадриятларнинг намоён бўлиш хусусиятлари, хуллас, қайси муаммони олиб қарамайлик, ҳаммасида бир ҳақиқатга дуч келамиз – маънавий маданият тараққиётидаги ҳар бир ҳодиса халқнинг турмуш тарзи билан, унинг орзу-интилишларини рўёбга чиқариши билан бевосита боғлиқдир.

Муҳтарам юртбошимизнинг “Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир” деб бежиз айтмаганлар [1,29].

Маънавий маданиятда турли замонларда яшаган одамларнинг қобилияти, маданияти, ақл-идроки орқали яратилган ҳаётбахш қадриятлар билан бирга золим, жоҳил, қонхўр подшолар, саркардаларнинг нодонлиги туфайли рўй берган маънавий парокандаликлар, таназзуллар ҳам ўз аксини топади. Биз бу ўринда мана шу хазинага разм солиб, унда миллий маданиятнинг таркиб топишида, шаклланишида миллий қадриятларнинг умуминсоний қадриятлар билан қанчалик бирикиб, чатишиб ривожланиб келганини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Бунда миллий маданият намуналарининг бошқа халқлар маданиятига, бошқаларнинг эса мазкур маданият тараққиётига кўрсатган ижодий таъсири қонуний ҳодиса эканлигини эътироф этиш лозим.

Бошқа халқлар маданиятининг умуминсоний қадриятга хос моҳиятли жиҳатлари ўзбек халқи маънавий ҳаётида катта роль ўйнаганлиги ҳодисалари ҳақида адабиётларда кенг фикр юритилган. Бу ҳодисанинг иккинчи томони Ўрта Осиё халқлари маънавий маданиятининг умумбашарий қадриятлар

Б.Холматова – ФарДУ, фалсафа фанлари номзоди, доцент.

сифатида жаҳон, хусусан, Европа маданиятига кўрсатган таъсири масаласи ҳам муҳимдир. Бу таъсирнинг йўналишлари ниҳоятда ранг-баранг бўлиб, биргина фан соҳасидаги ҳодисаларни эслаб ўтиш кифоя деб ҳисоблаймиз.

Шу муносабат билан, масалан, механика фанининг ўрта асрлардаги тараққиёти ҳақида гап борганда жаҳон адабиётларида Шарқ олимлари дунёқарашига хос бўлган мустақил тафаккур усули ва оригиналиги эътироф этилган.

Бу жиҳатдан, М.М.Рожанскаянинг “Ўрта аср Шарқида механика” деган асарида ибратли фактлар келтирилади. Китобда, бир томондан, қадимги юнон олимлари Архимед, Птолемей, Эвклид каби ўнлаб алломаларнинг асарлари, улар яратган назариялар атрофлича таҳлил этилади. Иккинчи томондан, уларда ўз асарларини араб тилида ёзган 50 олимнинг номлари ҳам қайд этилади. Булар орасида Ўрта осийлик Абу Али Ибн Сино, Умар Ҳайём, ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Али Қушчи, Улуғбек ва бошқаларнинг номи алоҳида ҳурмат билан тилга олинади, уларнинг математика, механика, астрономияга оид илмий тадқиқотлари тилга олинади [2].

Шарқу Ғарб олимларининг илмий ҳамкорлиги шундай натижалар берган эдики, дини, мамлақати, элатидан қатъий назар, улар бир-бирини яхши тушунишар, бир-бирларига мутлақо бегона бўлмаган, умумбашарий қадрият ҳисобланмиш – илмий қарашлар улар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг моҳиятини ташкил этган.

Шуни ҳам айтиш жоизки, миллий маданиятнинг умуминсоний маъно касб этиши, ўзаро алоқадорлиги муайян икки маданият ўртасидаги қонуниятни ифодалаб қолмайди. Бу мураккаб, кўп томонлама, ўзаро тобе, ўзаро таъсир ва акс таъсир йўналишида бўлиб, бир неча халқлар, минтақалар яратган маданиятлар, уларнинг тиллари иштирокида юз беради.

Қадриятларни миллий ва умуминсонийликка ажратиб қараш табиий ҳол, чунки ҳар бир миллатнинг маданий ривожланишини акс эттирадиган қадриятлар билан бирга, барча миллат, халқларга ёки бир неча миллат ва халқларга тегишли бўлган умуминсоний қадриятлар ўртасидаги боғлиқлик ва ўзаро таъсирни таҳлил қилиш жуда қийин иш. Чунки миллий қадриятларни маълум

хусусиятлар билан чегаралаб қўйиш мумкин, лекин барибир миллийлик қаерда тугайди-ю, қаердан умуминсонийлик бошланишини айтиб бериш мураккаб масала.

Табиатнинг ривожланиш қонуниятларини тан олиш, уларни ҳурмат қилиш, уларга асосланиб яшай билиш, табиат бойликлардан баҳраманд бўлган ҳолда, бу бойликларни асраш ва ривожлантиришни ўйлаш, табиат бағрида мавжуд бўлган симметрия ва гармонияни чуқур ҳис қилиб, ўзида гўзаллик туйғуларини камол топтириш ва ана шу гўзаллик асосида ижтимоий бойликларни яратиш ва кўпайтириш – буларнинг ҳаммаси умуминсоний қадриятлардир. Атоқли ўзбек олими математик тафаккур билан боғлиқ ҳолда ёзадики, “умуминсонийликда тарафкашлик, миллийлик хусусиятлари, кайфиятлари устунлик қилишига йўл қўйиб бўлмайди” [3,3].

Юқорида айтганимиздек, табиат қонунлари барча халқлар учун ягонадир, табиат ходисалари халқларнинг хоҳиш-иродасидан ташқарида рўй беради, иккинчидан, табиатда кечаётган барча ўзгаришлар барча халқлар тақдирига, барча халқлар ҳудудларига баравар даҳлдордир. Табиатда ноҳушлик бўлса, мувозанат бузилса, бу албатта Ер юзида салбий ҳолатларни келтириб чиқаради. Бир халқнинг табиатга қилган шафқатсизлиги бошқа ўнлаб халқлар бошига кулфат бўлиб ёғилиши мумкин, чунончи, Марказий Осиё халқлари турмуш шароитига Оролнинг таъсири нечоғли бўлаётганлиги фикримизнинг далилидир.

Мана шу диалектик жараёни миллийлик ва умуминсонийлик тушунчалари орқали изоҳлашга ҳаракат қилайлик. Миллийлик умуминсонийликни ўзида акс эттиради. Аммо тўла акс эттира олмайди. Ўз номи билан у умуминсонийликдир. Ўз навбатида, умуминсонийлик миллий хусусиятларнинг моҳиятли кўринишларидан ташкил топади, аммо миллийликнинг барча унсурлари ҳам бирикавермайди. Соф миллий белгилар ҳамма вақт умуминсонийлик доирасидан ташқарида қолади ва маълум миллат, халқнинг турмуш тарзини, руҳиятини, анъаналарини акс эттириш орқали миллийлик тушунчасига бирикади. Демак, миллийлик билан умуминсонийлик ўртасида аниқ чегара

қўйиш анча қийин ва мураккаб иш. Миллийлик ўзида доимо умуминсонийлик аломатларини акс эттирганидек, умуминсонийлик ҳам миллийлик заминиди қарор топади ва шаклланади.

Англашиладики, ҳамма гап мана шу улкан икки кучда: умуминсоний ва миллий қадриятларда, аниқроғи, уларни тобора уйғунлаштириб ҳаётга татбиқ этишда намоён бўлади. Агар миллийлик билан умуминсонийлик ўртасида кучли зиддиятлар рўй берса, бунда кўпинча миллийликни нотўғри тушуниш, миллийликка нотўғри таъриф бериш каби хатолар орқали рўй берган бўлади.

Демак, миллийлик билан умуминсонийлик ўртасидаги алоқадорлик, уйғунлик, бирлик ўзига хос тарзда намоён бўлиб, улар миллийликнинг тўла намоён бўлишига мутлақо монелик қилмайди. Миллийлик ва умуминсонийлик ҳақида фақат назарий фикрлар билан чегараланиб қолмасдан, балки, энг аввало, бу муаммонинг амалий томонига кўпроқ аҳамият бериш зарур.

Демоқчимизки, миллийлик ҳам, умуминсонийлик ҳам шундай бир жараёнлардан иборатки, бу жараёнларни ҳар куни кузатиб, ўрганиб, уларда бўлаётган ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаб бориш керак. Акс ҳолда, қандайдир нохуш ҳоллар ҳаётда чуқур томир отиб, сўнг улар миллийликни емира бошлаши ҳоллари ҳам бўлиб туради.

Маънавий маданиятимизни юксалтириш учун миллий қадриятлар ҳақида гапираётган эканмиз, ҳар бир инсонда, хусусан, ёшларда шарқона одоб-ахлоқ нормаларини қарор топтириш ҳақида тўхтамасдан бўлмайди. Унутиланган ёки унутилаётган кўпгина одоб-ахлоқ нормаларимиз борки, улар миллий ўзбек маданиятининг асосини ташкил қилиши керак.

Совет ҳокимияти йилларида миллий маданиятларни сиёсатлаштириш оқибатида ўзбек маънавий маданиятининг асосларига

ҳам кучли зарба урилди. Бир томондан, маънавий қашшоқликнинг кучайиб бориши, иккинчи томондан, асрлар бўйи давом этиб келган турмуш тарзи миллий белгиларнинг “интернационаллик” таъсирида ўз устиворлигини йўқотиши маънавий маданият тараққиётида салбий ҳодисаларни келтириб чиқарди. Миллий урф-одатлар, одоб нормаларининг истеъмолдан чиқа бориши охир-оқибатда халқнинг характери ва руҳиятига чуқур салбий таъсир кўрсатди.

Юқоридаги фикрларни хулосалайдиган бўлсак, шуни таъкидлаш керакки, маънавий маданият тараққиёти миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ривожига, уларнинг бирлиги, уйғунлигига бевосита боғлиқдир.

Бу нарса бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган икки муҳим стратегик сиёсий вазифа мақсадларидан келиб чиқади.

**Биринчидан**, истиқлол йўли танлаб олинган экан, ички имкониятлар, анъаналар, миллий ўзлгимизни ифодалайдиган жиҳатларни, бошқача айтганда, миллийлигимизнинг моҳиятини чуқур англаб олиш зарурияти келиб чиқади.

**Иккинчидан**, Ўзбекистонда жаҳон андозаларига мос келадиган дунёвий, демократик ва эркин жамият қурилаётган экан, унинг маънавий маданиятида умуминсоний жиҳатларнинг ифодаланиши қонунийдир. Бу жараённинг диалектик моҳияти шундан иборатки, маънавий тараққиётда ёлғиз Ўзбекистонга хос бўлган хусусий томонларни кўзда тутиб чекланиб қолиш тўғри бўлмайди. Шу билан бирга, фақат чет эл тажрибаси, техникаси, технологияси ва фани билан боғлиқ умуминсоний қадриятлар билан чегараланиб қолиш ҳам ижтимоий тараққиёт қонунларига мувофиқ келмайди.

Демак, бугунги мустақил Ўзбекистон маънавий ва маданий тараққиётининг бош йўли унда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигининг устиворлик касб этиши ҳисобланади.

#### Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Т.: “Ўзбекистон”, 2017 йил.
2. Рожанская М.М. Механика на средневековом Востоке – М.: “Наука”, 1976.
3. Саримсоқов Т.А. Фаннинг оидин йўллари.-Фан ва турмуш. 1993 йил 11-12-сон.

(Тақризчи: Т.Абдуллаев – фалсафа фанлари доктори, профессор)